

ИННОВАЦИОН ФИКРЛАЙДИГАН ЁШ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ АСОСИ¹

УЛУҒБЕК ИДИРОВ

Сиёсий фанлар доктори, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур илмий мақолада ёшларда инновацион тафаккурни юксалтиришнинг жамият демократик тараққиётидаги улкан аҳамияти билан боғлиқ долзарб масалалар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: ёш авлод, инновация, демократик жамият, тараққиёт, инновацион ғоя.

Аннотация. В данной научной статье анализируются актуальные проблемы, роль и значение развития инновационного мышления молодежи в демократическом развитии общества.

Опорные слова и выражения: молодое поколение, инновация, демократическая общественность, развитие, инновационное мышление.

Abstract. This scientific article analyzes actual problems, role and importance of the development of innovative thinking of youth in the democratic development of society.

Keywords and expressions: youth, innovation, democratic society, development, innovate thinking.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида сезила бошлаган ва асримиз бошларида ўзини янада ёрқин намоен қилаётган тенденциялар моҳиятидан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, мустақил тараққиёт барқарорлигига, жамиятда демократия тамойилларининг чуқур ўрнашиб боришига бевосита дахлдор бўлган омиллар сони ниҳоятда кўпайиб бормокда. Шу билан бир қаторда бундай омилларга нисбатан том маънодаги янгича ёндашувлар талаб этилмокда. Зеро, замонавий демократия тамойилларининг жамият социал-маданий асослари билан уйғунлашувчи масалалари, жамият аъзоларининг умумий ижтимоий-маданий ва маънавий даражасига нисбатан қўйиладиган талабларни тобора ошириб бормокда. Шу боис ҳам суверен давлатнинг барқарор тараққиёти, демократиянинг узлуксиз ривожланиши ҳамда унинг истиқболлари жамият бағрида мислсиз катта

қувватга эга бўлган социал, антропологик манбаларни тинимсиз равишда шакллантириб боришни тақазо қилмокда. Бу ўринда асосий фикр мамлакат аҳолисининг сифат кўрсаткичларини муттасил равишда ривожлантириб бориш, мамлакат фуқароларининг демократик янгиланишларнинг тўла маънодаги таянчига, истиқбол сари етаклаб борадиган кучига айлантириб бориш устида бормокда.

Сир эмаски, дунёда аввалги даврларда ҳам инсон фактори мустақил демократик тараққиёт марказида турган бўлса-да, охир оқибатда демократия институтлари ва умумий қоидаларига бўлган эътибор устуворлик қилар эди. Ҳозирги вақтда эса вазият бутунлай ўзгарди. Ҳеч қачон бугунги кундагидек демократик тараққиёт учун инсон омилининг сифат кўрсаткичларига нисбатан кучли талаблар қўйилмаган эди.

Бундай ҳолат яшаб турган давримиз шароитлари, жумладан, суверен давлатнинг хавфсиз тараққиётига нисбатан халқаро глобаллашув бағрида мавжуд бўлган айрим салбий тенденциялар таъсири ҳамда замонавий демократия мезонларининг кенгайиши ва инсон

¹ Ушбу мақола ПЗ-20170929561 “Ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш ва миллий ғояга содиқлик руҳини кучайтиришда маънавий тарғибот механизмларини такомиллаштириш” деб номланувчи лойиҳа доирасида бажарилган.

омилининг моҳиятида яширинган потенциал имкониятларни ҳаракатга келтириш, сафарбар қилиш вазифалари билан изоҳланади.

Шу боис ҳам мустақил демократик тараққиётнинг институтчионал асослари билан бир қаторда, унинг социал имкониятларини кучли равишда ривожлантириш, замоннинг энг долзарб талабларидан келиб чиққан ҳолда, демократик янгиланишлар жараёнининг ҳал қилувчи устунига айлантириш орқалигина мустақил демократик тараққиётнинг келажагини кафолатли равишда таъминлаш мумкин бўлади.

Мазкур ҳолатдан келиб чиққанда, мамлакатимизда давлатимиз истиқлолининг илк кунлариданоқ ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, юртимиз аҳолисининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини, маънавиятини юксак даражада шакллантириш вазифаларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлиги, мустақил давлатчиликни амалга оширишнинг, замонвий демократияни, жамият бағрида чуқур қарор топтиришнинг энг оқилона йўли сифатида эътироф қилиш лозимдир.

Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган ХХІ асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаётмамот масаласига айланиб бормоқда.

“Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди” дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”¹.

Маълумки мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, маънавий камолоти билан боғлиқ изчил ислохотларнинг концептуал асослари ва ҳуқуқий заминлари бугунги кунда Президентимиз томонидан илгари сурилаётган стратегик ғояларда изчиллик билан ривожлантирилмоқда.

Юртимизда ҳозирги кунда ҳар томонлама билимли ва ватанпарвар бўлган, шунингдек, инновацион фикрлаш қобилиятига эга бўлган ёшларни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг етакчи йўналишига айланди.

Юртимиз мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўтган нихоятда қисқа вақт давомида қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири айнан ёшлар масаласига бағишланган эди. 1991 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган эди. Ушбу қонун мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ижтимоий, маънавий соҳадаги кенг қамровли ҳуқуқларини кафолатлаб бериши билан бирга, баркамол авлод тарбияси учун дастлабки ва халқилувчи ҳуқуқий асосларни белгилаб берди.

2016 йилнинг 14 сентябрида мамлакатимиз ёшлари манфаатларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш, ёшлар раванқининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг муҳим самараси сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги янги қонуни қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 4 боб, 33 моддадан иборат бўлган мазкур қонун нормаларида ёшлар манфаатларини рўёбга чиқариш, ёшларнинг жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши, ҳусусан, юксак илмий салоҳиятга эришиши учун зарур бўлган барча имкониятларнинг ҳуқуқий заминлари мустаҳкамланди.

Жумладан, қонуннинг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” деб номланган 5-моддасида белгилаб қўйилганидек, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Ёшларнинг ҳуқуқ эркинликларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

Ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмаклашиш;

Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд – Т: “Ўзбекистон”, 2017 – Б. 504-505

Ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш.”¹

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2017 йилнинг 7-февраль куни қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз ёшларига оид давлат сиёсатининг концептуал асослари янада ривожлантирилди ва ёшлар манфаатларини рўёбга чиқаришнинг принципал жиҳатдан янги бўлган инновацион асослари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонига 1-илованинг “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланувчи бўлимида қуйидаги муҳим вазифалар ўзининг чуқур ифодасини топди: “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётини нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жарёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

Ўрта махсус касб-ҳунар ва Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш...”²

Эътироф қилиб ўтиш жоизки, Ҳаракатлар стратегиясининг заминида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, жамиятимизда фаолият юритувчи турли ташкилотлар, жумладан, барча турдаги таълим муассасалари, маданият,

спорт, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тузилмалари, шунингдек, ёшлар иттифоқи ва бошқа соҳа вакилларининг кенг қамровли комплекс иштироки назарда тутилгандир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури асосида жорий йилда мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги йўналишлари рўёбга чиқарилмоқда. Бу ўринда дастурда биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш вазифаларига етакчи эътибор қаратилган.

Хусусан, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурида мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал, илмий салоҳиятини юксалтиришга оид кенг қамровли янги вазифалар белгиланди. Жумладан, ёшларнинг инновацион ва илмий фаолиятини давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги Ўзбекистоннинг янги қонунларини қабул қилиш асосида ёшларнинг ҳар томонлама юксак даражада камол топиши учун энг замонавий имкониятлар очиб берилмоқда. Бунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Баркамол авлодгина буюк давлат қура олади” деган ғоялари ёшларимизни жамиятнинг энг ишончли таянчи ва суянчи этиб тарбиялаш, уларда дунёнинг ҳеч бир мамлакати ёшларидан қолишмайдиган салоҳиятни шакллантирилишида етакчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнининг ҳозирги босқичида, замонамизнинг энг илғор фан ва технологиялар ютуқларидан фойдаланишга қодир бўлган янги авлод кадрларни тарбиялаб етиштириш учун мамлакатимиз таълим тизимини мисли кўрилмаган юқори даражага олиб чиқиш жамиятимиз учун объектив заруратга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги Қонуни / Халқ сўзи 2016 йил 15 сентябрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Т.: “Адолат”, 2017 – Б. 26.

айланди. Таъкидлаш жоизки, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳаётни ташкил этишнинг воситалари, манбалари, услублари ҳам ниҳоятда ўзгариб бормоқда. Одамлар ҳаётини фаровон қилишнинг янги омиллари ўзини янада ёрқин намоён қилмоқда. Мазкур омилларни ўз вақтида англаб етган, улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўра олган мамлакатларгина давр талаблари билан ҳамнафас бўла олиши ва ўз истиқболини белгилай олиши мумкин бўлмоқда. Мана шундай муҳим омиллардан бири бу жамият ёшларининг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқдир. Ушбу масала бугунги кунда бутун дунё мамлакатларининг диққат марказида бўлиб тургани ҳам бежис эмас.


Зеро, давлатимиз Раҳбари Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар икки миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”¹.

Таълим ва тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш ҳозирги даврдаги замонавий тараққиётнинг етакчи қонуниятига айланди.

Шу боис, интеллектуал салоҳиятни юксалтиришнинг энг замонавий механизмларини жорий қилиш, таълим тизимини, юксалтириш асносида ёшлар маърифатини юксалтириш вазифаларини етакчи ўринга кўтариш масалалари мамлакатимиз давлат сиёсатида марказий ўринни эгалламоқда. Интеллектуал салоҳиятни юксалтириш жараёнида ёшлар онгида инновацион тафаккурни ривожлантириш, ёшларда инновацион тафаккур қила олиш лаёқатини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Демак, бугунги кунда барча таълим муассасалари фаолиятини, улардаги ўқув-илмий жараёнларни инновацион таълим бериш мақсадларидан

келиб чиқиб, жадал юксалтириш иновациони таълим тизимининг бош мазонига айлантириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.



¹ Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ // Халқ сўзи, 2017, 20 сентябрь.